Ўзбекистон Республикасининг ўз мустакиллигини зълон қилиши ва халқаро муносабатларнинг мустакил субъектига айланиси; Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсатидаги асосий йўналишлар ва тамойиллар; Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсатининг асосий векторлари; Ўзбекистон Республикасининг Европа сиёсати; Ўзбекистон Республикасининг Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ташки сиёсати; Ўзбекистон-Япония, Ўзбекистон-Жанубий Корея, Ўзбекистон-Франция, Ўзбекистон-Британия, Ўзбекистон-Германия муносабатлари; ЕХХТда Ўзбекистон Республикасининг иштироки; "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" НАТО доирасида Ўзбекистон Республикаси – АҚШ муносабатлари; МДҲ доирасида Ўзбекистон Республикаси – Россия муносабатлари; Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги даврда Шарқ мамлакатлари билан ташки сиёсий алоқалари.

7.5.3.9. Халқаро хуқуқ:

Халқаро хуқуқ тушунчаси, предмети ва тизими. Халқаро хуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи. Замонавий халқаро хуқуқнинг вужудга келиши, унинг умумий характеристи, манбалари. Халқаро хуқуқ субъектлари. Халқаро хуқуқнинг асосий тамойиллари. Халқаро шартномалар хукуки. Халқаро ташкилотлар хукуки. БМТ ва ихтинослашган ташкилотлар. Халқаро хуқуқда жавобгарлик. Халқаро хуқуқда аҳоли. Халқаро хуқуқда худуд. Халқаро низоларни ҳал этишининг халқаро-хуқукий усуллари. Халқаро хавфсизлик хукуки. Халқаро иктисадий ва савдо хукуки. Халқаро жиноят хукуки.

Дипломатик ва консуллик хукуки. "Дипломатик ва консуллик хукуқининг тушунчаси, тизими ва манбалари". "Дипломатик фаолиятни амалга оширувчи давлат идораларининг тизими". Дипломатик ваколатхоналар ва дипломатик вакилларнинг хуқукий мақоми. Дипломатик даҳлсизлик ва имтиёзларнинг хуқукий жиҳатлари ва дипломатик вакилларнинг даҳлсизлиги ва имтиёзлари. Халқаро ташкилотлар қошидаги давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарининг хуқукий мақоми. Махсус миссияларнинг хуқукий мақоми. Консуллик фаолиятини хуқукий тартибга солиш. Консуллик ваколатхоналарининг хуқукий мақоми. Консуллик вакилларининг хуқукий мақоми.

Инсон хукуклари ўкув курсининг мавзуси, тизими, усуллари ва аҳамияти. Инсон хукуклари тўғрисидаги гояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Инсон хукуклари ва халқаро хуқуқнинг ривожланиши. Инсон хукукларини ҳимоя қилишда БМТнинг ўрни ва роли. Инсон хукукларини ҳимоя қилишга оид халқаро хужжатлар. Инсон хукукларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва минтақавий механизmlари. Инсон хукуклари бўйича миллий институтлар. Ўзбекистон Республикасида инсон хукукларига ёндашув. Инсоннинг шахсий хуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иктисадий, ижтимоий ва маданий хукуклари. Аёллар ва бола хукуклари. Фуқароларнинг мажбуриятлари. Ўзбекистонда инсон хукукларини таъминлаш усуллари. Ўзбекистон Республикасининг инсон хукуклари бўйича халқаро ҳамкорлиги.

7.5.3.10. Асосий чет тили:

Асосий чет тилининг асосий хусусиятлари; онгли ўқиши билан бирга ўрганаётган тилни оғзаки нутқи амалиёти билан назарияси; коммуникатив фаолият соҳалари, мавзулар, вазиятлар, коммуникатив ва ижтимоий роллар; ўрганилаётган тилда сухбатларни ва далиллар келтирилган матнни тушуниш; чет тилида маъруза, йўрикномалар, академик ва касбий презентациялар, савол-жавоблар асосий мазмунини тушуниш; реклама, зълон ва маълумотномаларни тушуниш; мураккаб аутентик нутқни таниш ва нотаниш контекстда тушуниш; чет тилидан муроҷот воситаси сифатида фойдаланиш учун керакли маҳсус нутқий қобилиятлар; маҳсус нутқий қобилиятларни шакллантиришга ўмаклашадиган

лингвистик билимлар; ўрганилаётган тилнинг фонетика, грамматика ҳамда лексикологияси тўғрисидаги билимлар; умумий ўкув билимлари, хорижий тилни эгаллаш ва уни такомиллаштириш бўйича аклий меҳнатнинг оқилона усуллари; давлатлараро музокараларда таржимонлик килишларида, ҳалқаро битим ва келишувларий тайёрлашда ва тасдиқлашда дипломатик ёзишмалар; чет тилини кўллаш билан коммуникатив ва ўрганиш эҳтиёжларини ривожлантириш; чет тилида шу тилга хос оҳанг ва тезликда айтилган нуткни тушуниш; кундалик ва қасбий соҳаларда оғзаки диалогик ва монологик нутк сўзлай билиш; мазмунни тўлиқ англаган холда ўкиш, оригинал тилдаги адабиётни таржима қилиш вауни қайта ишлани (мутахассислик бўйича); қасбий фаолият учун керакли даражада ёзма нуткни эгаллаш; мутахассисликка оид матнларни таҳлил қилиш; мутахассислик бўйича адабиётларни чет тилидан она тилига таржима қилиш.

7.5.3.11. Иккинчи чет тили:

Коммуникатив фаолият соҳалари, мавзулар, вазиятлар, коммуникатив вакътиномий роллар; ўрганилаётган тилда сұхбатларнива далиллар келтирилган матнни тушуниш; чет тилида маъруза, йўрикномалар, академик ва қасбий презентациялар, савол-жавоблар асосий мазмунини тушуниш; реклама, эълон ва маълумотномаларни тушуниш; мураккаб аутентик нуткни таниш ва нотаниш контекстда тушуниш; чет тилидан мулокот воситаси сифатида фойдаланишга имкон берувчи маҳсус нутк куникмалари; маҳсус нутк; кўниkmаларини шакллантиришга имкон берувчимаҳсус нутк кўниkmалари; маҳсус нутк; куникmаларини шакллантиришга имкон берувчи лингвистик билимлар (ўрганилаётган тил фонетикаси, грамматикаси, лексикологиясибўйича маълумотлар); ўрганилаётган тил давлатининг миллий-маданий хусусиятлари ва мавжуд ҳолатлари тўғрисида лингвистик-улкашунослик билимларининг мажмуаси; талабаларнинг чет тилини ўзлаштириш ва уни ўрганишда ўзини гакомиллаштиришга оид ўкув-билиш фаолиятининг маданиятини белгилаб берувчи умумий ўкув билимлари; бизнес ҳамкори билан музокара олиб бориш; чет тили учун нормал тезликда гапирилган чет тилидаги нутқни идроқ этиш; кундалик-мулокот ва қасбий соҳаларда оғзаки диалогик ва монологик нуткни эгаллаш; мазмунини тўлиқ камраб олган холда ўкиш, асл адабиётларни (жумладан, мутахассислик бўйича адабиётларни) таржима қилиш; муваффакиятли қасбий фаолият учун зарур ҳажмда ёзма нуткни эгаллаш; коммуникатив вазиятларда грамматик ва синтактик қурилмаларни ишлата билиш; мутахассислиги бўйича кетма-кет оғзаки таржима қилиш.

7.5.3.12. Минтақашунослик:

Минтақашуносликнинг предмети, услуги, категориялари, асосий парадигмалари. Сиёсий ва муаммовий мамлақатшунослик. Минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳондаги етакчи сиёсий куч марказларининг ҳалқаро ҳамжамиятдаги ўрни. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграция жараёнлари, алоҳида минтақаларда «умумий бозорларни» ташкил этиш. Жаҳон сиёсатида глобал ўзгаришлар содир бўлаётган бир шароитда демократизация ва сиёсий модернизация жараёнлари. Европа Иттифоқининг ташкил топиши, унинг асосий институтлари ва истиқболи. Европа Кенгаши, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Фарбий Европа Иттифоқи ва бошқалар. Европанинг етакчи мамлақатлари: Германия, Буюк Британия, Франция, Италия. Шимолий Европа минтақасининг географик ва геосиёсий тузилиши. Замонавий дунёда шимолий давлатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маданиятининг тутган ўрни. Арктика Кенгаши, Баренц ва Евроарктик минтақа Кенгаши, Шимолий Кенгаши, Болтиқ дengизи давлатларининг Иттифоқи, Кора дengиз иқтисодий бирлашмаси. Шимолий Америкадаги сиёсий-иктисодий макон, Канада, Мексика, АҚШ. Клинтон доктринаси. Шимолий Америка давлатларининг жаҳон миқёсидаги ўрни. Лотин Америкаси давлатларининг макроиктисодиётни барқарорлаштиришдаги тажрибалари. Африканинг жаҳондаги ўрни, унинг кўлга киритган ютуклари ва қийинчиликлари. Фарбий, Шимолий, Марказий, Шаркий ва Жанубий Африка. “Оқ” ва “кора” Африка. Тропик, экваториал Африка. Араб

Африкаси. Магриб мамлакатлари. Сахара доираси. Африка ахолисининг маданий-этник фарки. Яқин Шарқ минтақасининг умумий таърифи ва ўзига хос белгилари, зиддиятларни бартараф этишдаги янги йўллар. Жануби-Фарбий Осиёда жойлашган мамлакатлар. Минтақада жойлашган мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий табакаланиши. Саудия Арабистони, Кувайт, БАЕ, Уммон, Бахрейн, Қатар – минтақадаги нефт монархия мамлакатлари. Жанубий Осиё мамлакатлари. Жануби-Шарқий давлатлар ассоциацияси (АСЕАН). АСЕАНга кирувчи мамлакатлар: Индонезия, Малайзия, Таиланд, Сингапур, Филиппин, Бруней, Вьетнам, Мянма. АСЕАН интеграциясининг камол топниши ва ривожланиши, унинг минтақа учун аҳамияти. Сиёсий, ҳарбий ва иктиносий ҳамкорлик. Жаҳон ҳамжамиятида Австралия баркарорлиги ва иктиносий ривожланганлик даражаси. Австралия сиёсий тизимининг хусусиятлари. Мустакил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ва Россия Федерацияси. Марказий Осиёning жаҳонда туттган ўрни.

7.5.3.13. Конфликтология:

Ижтимоий фанлар тизимида можароларни урганилиши; ҳалклар ўртасидаги тўқнашувлар ва можароларни табиатини ўрганишда жаҳон олимларининг қарашлари; можаролар тушунчаси; классик ёндашувлар; замонавий назариялар; сиёсий можаролар тузилмаси; можаролар динамикаси; можаролардаги кабул килиш феномени; сиёсий можаролар турлари ва хусусиятлари; этно-миллий можаролар хусусиятлари; сиёсий можароларнинг олдини олиш ва бошқариш моделлари; сиёсий можароларни ечишда музокараларнинг ўрни; ҳалқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг можаровий табиати; ҳалқаро можаролар тушунчаси, моҳияти, обьекти, субъекти ва куринишлари; ҳалқаро можароларниң келиб чикиши сабаблари ва турланиши; давлатлар манфаатларининг тукнашуви; ички можароларни интернационализацияси; минтақавий, ҳалқаро ва глобал можаролар; замонавий ҳалқаро муносабатлар тизимида можаровий холатлар; куролланган можаролар ва урушларнинг мавжудлиги; ОАВ ва сиёсий можаролар, ҳалқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ва ушбу муаммоларни ечишда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси, ҳалқаро қуролли можаролар; ҳалқаро ва ички можаролар; сиёсий можароларни ҳал қилишнинг таҳлилий усуслари.

7.5.3.14. Геосиёсат:

Геосиёсатнинг предмети ва асосий парадигмалари; геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши ва амалиёти; геосиёсат тушунчаси ва моҳияти; асосий геосиёсий таълимот ва мактаблар, асосий куч марказларининг тавсифи ва уларни мувозанатта келтириш тенденциялари; ҳалқаро муносабатлар ва сиёсатнинг умумбағарийлиги; геосиёсатнинг асосий параметрлари, ҳудудий холати: чегаралари, демографик вазияти, сиёсий тизими; ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг геосиёсий жиҳатлари, миллий-давлат манфаатлари ва макроиктисодиёт; тизимли таҳлил – геосиёсий йўналишларни таҳлил ва тадқиқ килувчи усул сифатида; Марказий Осиёning геосиёсий ўрни; Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва жаҳондаги геосиёсий ўрни ва роли. Ҳарбий стратегик жараёнлар ва иктисад. Замонавий ҳарбий салоҳият концепцияси. Илмий-техникавий тараққиёт тамойиллари ва жаҳон ҳамжамиятининг ахборот цивилизацияси томон ривожланиши. Жаҳон ҳамжамиятининг социал таркиби ва меҳнат ресурслари. Табиий коммуникацияларнинг замонавий жаҳон бозори шаклланишига бўлган таъсири. Давлат мустакиллиги, территориал яхлитлик ва миллий-этник жараёнларнинг цивилизацион ўлчами. Инсон ҳайтидаги турли жабҳаларнинг байналмилаллашув жараёни ва турли миллатларнинг янги геосиёсат жараёнга нисбатан мослашуви муаммолари.

7.5.3.15. Қиёсий сиёсий тизимлар:

Сиёсий тизим ва унинг жамият ҳайтидаги роли; сиёсий тизимнинг моҳияти ва унинг таркибини аниқлаш; сиёсий тизим ва сиёсий муносабатлар; сиёсий тизимлар типологияси; сиёсий тизимнинг шаклланиш негизи ва фаолият юргизиш тенденциялари; сиёсий тизим

турлари; шарқ мамлакатларининг сиёсий тизимлари ва уларнинг хусусиятлари; жаҳон мамлакатларида сайлов тизимлари; партиявий тизимлар; дунёнинг турли китъалари ва Марказий Осиё давлатларидағи сиёсий тизимларининг хусусиятлари; Европа Иттифоқида Европарламентнинг роли ва туттган ўрни; Россия Федерациясидаги сиёсий жараёнлар; Гарбий Европа тарихий ривожланишининг аҳамиятлари. Гарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-иктисодий аҳволи. Европа сиёсатининг географик, ижтимоий, этник, диний, маданий омиллари. Гарбий Европа мамлакатлари сиёсий тизимларининг спецификаси. Минтака мамлакатларининг ривожланишидаги умумийлик. Европа иттифоқи. Гарбий Европа мамлакатларининг бошқарув ва давлат қурилиши шакллари. Режимларга киёсий характеристика. Австралия ва Океания мамлакатлари тарихий ривожланишининг аҳамиятлари. Сайлов тизимларининг киёсий таҳлили. Янги давлатларнинг ташкил топиши. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг сиёсий тизимларига киёсий характеристика. Канаданинг сиёсий ривожланиши. АҚШнинг сиёсий тизими. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларининг тарихий ривожланишининг аҳамиятлари. Африка тарихий ривожланишининг аҳамиятлари. Осиё тарихий ривожланишининг аҳамиятлари. Ўзбекистон Республикасида сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.

7.5.3.16. Халқаро ташкилотлар назарияси ва амалиёти:

Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва моҳияти; халқаро ташкилотларга оид асосий назарий ёндашувлар ва концепциялар; халқаро ташкилотларни тадқиқ этиш; халқаро ташкилотларни таснифлаш ва туслаш; халқаро ташкилотларнинг органлари; халқаро ташкилотларда аъзолик; халқаро ташкилотларнинг хукукӣ субъектлиги; халқаро ташкилотларнинг имтиёз ва даҳлсизликлари; халқаро ташкилотларнинг асосий турлари ва типлари; халқаро универсал ва минтақавий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро ҳарбий-сиёсий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро савдо-иктисодий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро валюта-молиявий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро антикриминал ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро маданий ва спорт ташкилотлари ва уларнинг асосий турлари; халқаро суд органлари ва уларнинг асосий турлари; Ўзбекистон ва БМТ алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва ЕХХТ алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва ЕИ алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва ШХТ алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва НАТО алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва БМТ алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва БМТнинг ихтисослашган муассасалари алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва ИРБ алоқаларини таҳлил килиш; Ўзбекистон ва ОРБ алоқаларини таҳлил килиш.

7.5.4. Ихтисослик фанлари блокининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.4.1. Сиёсий технологиялар:

Сиёсий технологияларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни; сиёсий технологияларнинг таркибий тузилиши; сиёсий технологияларнинг хилма-хиллиги; ўзбекистон сиёсий ҳаётини уюштиришда қўлланиладиган сиёсий технологиялар; ахборот орқали таъсир кўрсатиш технологиялари; ахборот сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятлари; ахборот макони ва унда ишлаш; паблисити ва «Паблик Рилейшнз» жамоатчилик билан алоқалар технологияси; жамоатчилик билан алоқалар; «Паблик Рилейшнз»: мақсад ва вазифалар; радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишин режалаштириш; сиёсий танглик вазиятларида жамоатчилик билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос жиҳатлари; сайлов технологиялари; сайловлар сиёсий тизими — янгилашнинг ўзига хос технологияси сифатида; сайлов жараённада ракобатли курашнинг асосий йўналишлари; сиёсий рекламани қўллаш технологиялари; сиёсий рекламанинг шаклланиш сабаб ва заруриятлари; сиёсий кампаниялар ва сиёсий рекламалар; сиёсий имидж ва уни шакллантириш технологиялари; имидж ва имиджемейкер тушунчалари;

халқаро муносабатларда имидж; мамлакат имиджи; сиёсий арбоб имиджида нотикликининг аҳамияти; лоббизм билан боғлик технологиялар; лоббизмнинг пайдо бўлишидаги тарихий илдизлар; лоббизмнинг турлари, корпоратив ва жамоавий лоббизм.

7.5.4.2. Халқаро хавфсизлик:

Халқаро ва минтақавий хавфсизлик тушунчаси ва моҳияти; халқаро ва минтақавий хавфсизлик мутаносиблиги; халқаро ва минтақавий хавфсизликни таснифлаш; халқаро ва минтақавий хавфсизликка асосий таҳдидлар; халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш механизмлари; халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг норматив механизмлари; халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмлари; Европада минтақавий хавфсизликни таъминлаш хусусиятлари; Евросиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш хусусиятлари; Америкада минтақавий хавфсизликни таъминлаш хусусиятлари; Европада минтақавий хавфсизликни таъминлаш хусусиятлари; МДҲ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш хусусиятлари; ШХТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш хусусиятлари; халқаро хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситаларини аниқлаш; минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситаларини аниқлаш; халқаро хавфсизликка асосий таҳдидларни аниқлаш ва гурухлаш; минтақавий хавфсизликка асосий таҳдидларни аниқлаш ва гурухлаш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги иштирокини прогнозлаш.

7.5.4.3. Халқаро ташкилотлар назарияси ва амалиёти:

Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва моҳияти; халқаро ташкилотларга онд асосий назарий ёндашувлар ва концепциялар; халқаро ташкилотларни тадқиқ этиш; халқаро ташкилотларни таснифлаш ва туслаш; халқаро ташкилотларнинг органлари; халқаро ташкилотларда аъзолик; халқаро ташкилотларнинг ҳуқукий субъектлиги; халқаро ташкилотларнинг имтиёз ва дахлсизликлари; халқаро ташкилотларнинг асосий турлари ва типлари; халқаро универсал ва минтақавий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро ҳарбий-сиёсий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро савдо-иктисодий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро валют-молиявий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро антикриминал ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари; халқаро маданий ва спорт ташкилотлари ва уларнинг асосий турлари; халқаро суд органлари ва уларнинг асосий турлари; Ўзбекистон ва БМТ алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва ЕХХТ алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва ЕИ алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва ШХТ алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва НАТО алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва БМТ алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва БМТнинг ихтисослашган муассасалари алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва ИРБ алоқаларини таҳлил қилиш; Ўзбекистон ва ОРБ алоқаларини таҳлил қилиш.

7.5.4.4. Халқаро муносабатларда таҳлил:

Ахборот ва билим. Ахборот феномени, унинг вужудга келиш манбалари ва жамият тараққиётидаги роли. "Ахборот" тушунчасининг таснифи. Профессионал ва оммавий ахборот. Ахборот ва унинг инсон руҳий-физиологик ривожидаги таъсири. Профессионал ахборот ва профессионал билимлар. Ахборотнинг етишмаслиги ёки унинг ҳаддан ташқари кўплиги. Ахборот бозори, ахборот маркетинги. Ахборот тўплаш. Қарор қабул қилиш учун керакли бўлган ахборот ҳажми. Ахборот етишмаслиги муаммоси. Ахборотга ташниалик. Бозорлар учун кураш. Компьютер компанияларининг ана шу соҳадаги ракобатлари. Ахборот банклари. Ахборот массивлари. Ахборот яратиш ва уни қабул қилиш савияси. Ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари; унинг беш тури. Информатика. Маълумот тарқатиш. Дезинформация. Дезинформациянинг мақсади. Реинформация. Иккиласми ахборот. Газета. Журнал. Махсус нашр. Радио. Телевидение. Интернет. Ташвиқот. Тарғибот қилиш. Реклама. Ахборот тизими. Ахборот инқизози. Ахборот таҳлил килишнинг энг муҳим прин-

циллари. Илмий услубларнинг ахборот таҳлилида кўлланилиши. Ижтимоий фанлар услуби ва қонунларининг ахборот жараёнида ишлатилиши. Ахборот таҳлилида эҳтимоллик назарияси ва математик статистикадан фойдаланиши. Эҳтимоллик ва нозэҳтимоллик, корреляция ва бир-биринга мос келиш, тақсимот ва дисперсия. Ахборот таҳлили жараёнлари ва унинг асосий муаммолари, контент таҳлил. Ахборот таҳлилига оид хужжат. Матн “Контент таҳлил” тушунчасининг мазмунин (семантик, лингвистик, хужжатли ва цитата (иктибос) келтириш асосида). Хужжатнинг контент таҳлили. Хужжатлар ва улар билан ишлаш қоидалари. Хужжатларнинг шакли, кўриниши ва ҳажми. Сиёсий жиҳатдан олдиндан кўра билиш омиллари (прогнозлаштириш). Прогнознинг вақт билан боғлик имкониятлари. Герменевтика. Прогнозлаштириш – фан сифатида. Прогнознинг вақт билан боғлик имкониятлари. Герменевтиканинг асосий тушунчалари, пайдо бўлиши. Ахборотнинг мувакқатлиги ва фазовий динамик киммати. Ахборот — XXI асрнинг асосий бойлиги. Аниқ манбаларга асосланган ахборотни ифодалаш даражаси. Бундай ахборотнинг сўзма-сўз ва ҳар бир ракамга асосланган тизими. Кент чизмаси. Ўз вақтида тайёрланган тезкор ахборот — унинг қийматини белгиловчи асосий мезон. Ахборотнинг эскириши. Ахборот таҳлилиниң вақт нуқтаи назаридан мос келмаслиги.

7.5.4.5. Шарқ ҳалқаро муносабатлари:

Шарқ мамлакатлари янги даврда; “изоляционизм” сиёсатининг ижобий ва салбий натижалари; биринчи жаҳон уруши арафасида ва даврида Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳалқаро муносабатлари; XX аср бошида Осиё ва Африка давлатларида миллий озодлик ҳаракатининг кўтарилиши ва унинг Шарқдаги сиёсий вазиятнинг ўзгаришига таъсири; “Ёш турклар” инқилоби ва унинг Туркия сиёсатининг ўзгаришига таъсири; Эроннинг ярим мустамлакага айланиши; I ва II жаҳон урушилари оралигидаги даврда Шарқ мамлакатларининг ҳалқаро муносабатлари; миллий озодлик ҳаракатининг мафкураси: сунъятсенизм, гандизм, камализм; диннинг Шарқ давлатларидағи сиёсий жараёнларга таъсири; Ҳиндистонда хинд-мусулмон муносабатлари; Яқин ва Ўрта Шарқда концессияларни кўлга киритиш борасидаги курашлар; Саудия Арабистони ташки сиёсати; Арабистон яриморолида Англия ва АҚШ ҳамда Англия-Италия рақобати; II жаҳон уруши даврида Шарқ мамлакатларининг ҳалқаро муносабатлари; Япониянинг Пёрл Харборга хужуми; Япония Тинч океанида; Ялта конференцияси қарорлари; 1945 йил Потсдам декларацияси; Шарқ мамлакатларининг II жаҳон урушидан кейинги ҳалқаро муносабатлари; Багдод пакти ва Бандунг конференцияси; Кўшилмаслик ҳаракатининг муаммолари; Мисрда 1952 йил инқилоби; Ж.Носир ва Ғарб давлатлари орасидаги можаролар; Сувайш инкирози; Яқин Шарқ давлатларининг 1960-2006 йиллардаги ҳалқаро муносабатлари; Яқин Шарқ — АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларининг сиёсатида; Яманда 1969 й; инқилоби; Миср ва Саудия Арабистонининг Ямандаги фуқаро урушига жалб этилиши; исломнинг сиёсий фаоллашуви ва унинг Шарқ ҳалқаро муносабатларига таъсири; Жанубий Осиёда ҳалқаро муносабатлар (1960-2006 й;й); Ҳиндистон ва Покистон муносабатлари инқирозининг чукурлашиши; Ҳинд-Покистон ҳарбий тўқнашувлари; 1966 й. Тошкент декларацияси; Покистонда Яхъёхоннинг ҳокимиятга келиши; Ҳинд-Покистон ҳарбий тўқнашувларининг қайта такрорланиши; Кампучия муаммосини ҳал этиш масалалари; Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппинни бирлаштирган АСЕАН; КХДР ва Корея республикалари ташки сиёсатидаги фарқларнинг хусусиятлари; АҚШнинг Жанубий Кореяга ёрдами масаласи; Марказий Осиё минтақаси — ҳалқаро муносабатларда (1990-2006 й;й;) Марказий Осиё давлатлари — ҳалқаро муносабатларда; миллий оинг ва сиёсий фаоллашувнинг кўтарилиши; Марказий Осиёдаги янги миллий давлатлар; Россиянинг янги мустакил давлатлардаги сиёсий ва ҳарбий ўрни: унинг империядан минтақавий гегемонга айланиши; XXRнинг Марказий Осиёдаги ташки давлатлар сиёсатининг ўзига хослиги; XXI аср бошида Шарқ ҳалқаро муносабатлари.

7.5.4.6. Иқтисодий дипломатия:

Иқтисодий дипломатиянинг функцияси, тамоили, объект ва субъектлари. Иқтисодий дипломатиянинг янги субъектлари; глобализация шароитида иқтисодий дипломатия ролининг ошиши; иқтисодий дипломатиянинг миллий иқтисодий манбаатларни илгари суриш услуби; ташки иқтисодий сиёсат вазифаларини иқтисодий дипломатия услублари билан таъминлаши; давлат мустакиллиги ва ҳудудий бутунлигини саклаш, ички ва ташки таҳдидларга карши туришда иқтисодий дипломатия самарадорлитини ошириш; ташки иқтисодий, савдо ва молиявий муносабатларда ҳамда экспорт маҳсулотларини илгари суришда иқтисодий дипломатиянинг ўрни ва роли; жаҳон савдо ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликда иқтисодий дипломатиянинг мақсади ва вазифалар; минтакавий ва ҳалқаро инвестиция фаолиятида иқтисодий дипломатиянинг ўрни ва роли; хориждан инвестицияни жалб этишда дипломатик услублар; иқтисодий дипломатия ва энергетик хавфсизлик масалалари; иқтисодий дипломатиянинг давлат сиёсати инструменти сифатида; иқтисодий дипломатиянинг асосий тенденциялари ва хусусиятлари; ташки иқтисодий алоқалар соҳасида давлат сиёсатини қўллаб-кувватлашнинг асосий йўналишлари; миллий иқтисодий манбаатларини ҳимоя қилишда иқтисодий дипломатиянинг дипломатик услублари.

7.5.5. Танлов фанлари

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқти ва майшилекларига мос келадиганларини ташлаб ўқийдилар.

7.5.6. Малака амалиёти

Касбий амалиёт:

Ташкилотнинг ходимларига биритирилган ҳолда зарур хужжатлар билан танишиши, ташкилотдан биритирилган раҳбар назоратида турли хужжатларни тўлдириш кўнукмасига эга бўлиш, баённомаларнинг ёзилиши ва уларнинг карорлари билан танишиши ҳамда уларнинг амалга татбиқ қилинишини билиши лозим.

Педагогик амалиёт:

Умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтказилади ва унда талабалар олий таълим муассасасида олган назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўнукмаларини ҳосил қиласидилар.

Талабалар таълим муассасасида малакали ўқитувчиларининг 20-25 та дарсига (пассив амалиёт) катнашган ҳолда дарсни ташкил этиш кўнукмасига эга бўлиши керак.

Талабалар таълим муассасасида педагог раҳбар назорати остида 8 та синов дарснини амалда мавжуд бўлган дастурга биноан маъруза ва амалий машғулот материаллари асосида мавзу бўйича дарс (актив амалиёт) олиб бориши лозим. Амалиёт раҳбари назорати остида ўқувчилар орасида 2-3 та тарбиявий аҳамиятта эга бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш кўнукмасига эга бўлиши керак.

Таълим муассасаси ўқув хужжатлари билан танишиб чиқиши лозим.

7.5.7. Битирув иши

Битирув ишлари мавзуси олий таълим муассасасининг мутахассис чиқарувчи кафедралари томонидан кадрлар буюртмачилари талаблари ҳамда фан, техника ва технологияларда эришилган замонавий ютуқларни хисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув ишларининг мавзуси илмий-тадқиқий йўналишда бўлиши мумкин.

Битирув иши топшириги одатта кўра, талабага учинчи (тўртинчи) курсни тамомлагандан кейин берилади. Иш умумкасбий ва маҳсус фанларни ўзлантирганлик даражаси бўйича тўртинчи (бешинчи) курс давомида, шунингдек, унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан ажратилган вакт давомида бажарилади.

8. Бакалавриат таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалий ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

8.1. Бакалавриатининг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика ижтимоий, маънавий-маърифий соҳа тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юкори ва инновацион технологиялар бўйича чукур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эктиёжини хисобга олиши керак.

ОТМ таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини хисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилашиб туриши лозим.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битиравчиларининг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимиш-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришидаги имкониятлари аникланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий мухитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўкув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларининг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, талабаларининг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

8.1.3. Ўкув жараёнининг машгулотларини ташкил этишида фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиши ва х.к.) шаклларини ўтказиши, талабаларнинг қасбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташкари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётida кўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишининг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг кўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаёттан машгулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аникланади. Талабаларнинг академик гурӯхлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фойзидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фойзи мустакил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

8.1.4. Талабалар ўкув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастури ва таълим дастурига ОТМ томонидан кўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташкари (мустакил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўкиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқиши инобатга олган ҳолда, шакллантиришида реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўкув дастурини шакллантиришида ОТМ талабаларни уларнинг хукуклари ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан (модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўкув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши

5120700 – Жаҳон сиёсати таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига хамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоги ва шароит яратилиши лозим.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларда ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўкиш даврида талаба камидаги иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иктисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув ишини химоя килади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўкув жараёни тутгаллангандан кейин топширилади.

8.3. Малака амалиёtlарини ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўкув ёки ўкув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўкув-танишув билан боғлиқ малака амалиёти ва педагогик амалиётларни ўз ичига олади.

Ўкишнинг иккинчи боскичида ўкув-танишув амалиёти ўтказилади, мақсад – ўқиётганларни олий таълим муассасаси, ЎзР ФАнинг илмий-тадқиқот институтлари ва бошка давлат ва нодавлат илмий муассасаларининг мавзулари ва уларда илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш хамда талабаларни мос йўналишдаги муассасаларга ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништирилади. Амалиёт натижаси ва ҳисботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Малака амалиёти ва педагогик амалиёт алоҳида ишлаб чиқилган амалиёт дастурлари асосида таълим муассасаларида, замонавий корхоналар, ташкилотлар ва ИТИларда ўтказилади. Шунингдек, амалиёт даврида ихтисослик фанларидан ҳам амалий машғулотлар ўтказилиши назарда тутилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У битирувчини 8 (10) семестрда кафедранинг илмий ишида албаттга иштирок этишини, курс ишларини касбий (маҳсус) циклнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва химоя килинишини, талабаларнинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил килиниши куйидагилар билан таъминланиши керак:

- курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳакида ўқиётганларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда ўқиётганларни иш жойи билан таъминлаш;
- олий таълим муассасасининг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;
- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;
- талабалар илмий конференцияси галибларига мамлакатнинг бошқа олий ўкув юргуларига маъruzalar билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёнини ташкил этишида илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шугуллананаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармок ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишта жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар хар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик хужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши хар бир ўқиётган таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш хукуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича хар бир ўқиётган ўрнатилган меъёрларга мос равища таълим дастурига кирувчи касбий циклнинг хар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий адабиёт фонди охирги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иктисодий циклнинг базавий фанлари учун – охирги 5 йилда) чоп этилган ҳамма циклларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар (камода хар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равища ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидиув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5120700 – Жаҳон сиёсати таълим йўналиши бўйича бакалаври тайёрлаш жараёнида асосан қўйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофик:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналгандлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойихавий метод, тармокли режалаштириш методи, ақлий хужум, ассоциограммалар методи ва х.к.)

8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ҳамда курс иши (ложиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнгинга қарши кондалар ва меъёrlарга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза (поток ёки гурухлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машгулотлари учун аудиториялар билан;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўқув машгулотларида кўргазмали материалларни намойиш килиши учун турли хил аппаратуралар билан;
- амалий машгулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармоғидан фойдаланиш унун глобал тармоқка уланган компьютер синфлари билан;
- семинар машгулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалавриат йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш куйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

якуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битириув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараённида амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи эксперtlар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмунни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битиравчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилинини;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўкув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўкув-методик адабиётлар, ўкув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўкув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла маъсулдир.

10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмастан ўкув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўкув фанлари блоклари учун 5 % оралигига, блокга кирувчи ўкув фанлари учун 10 % оралигига ўзгартириши;
- ўкув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш хукуки берилади.

Талабанинг битирув иши мавзууси ОТМ буйруги билан расмийлаштирилади.

10.2. Курс ишлари муайян ўкув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўкув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3. ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4. 5120700 – Жаҳон сиёсати таълим йўналиши ўкув режаси ҳафталик аудитория ўкув юкламаси – 32 (34) соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш мурддати

11.1. ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, «Ўзстандарт» агентлигига давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш мурддати – камиди 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-коидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш мурддати ўзгариши мумкин.

Илова

**5120700 – Жаҳон сиёсати бакалавриат таълим йўналиши бўйича
таълим дастурининг тузилиши**

Т.р.	Ўқув фанлари блоклари, фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда	
		4 йиллик	5 йиллик
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар	1704	2085
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	800	800
2.01	Олий математика асослари	96	96
2.02	Информатика ва ахборот технологиялари	256	256
2.03	Математик моделлаштириш	64	64
2.04	Жаҳон иктиносидий географияси ва экология	192	192
2.05	Илмий тадқиқот асослари	128	128
2.06	Тизимли таҳдилга кириш	64	64
3.00	Умумкасбий фанлар	3665	4827
3.01	Жаҳон сиёсати	192	192
3.02	Халқаро муносабатлар тарихи	128	128
3.03	Халқаро муносабатлар назарияси	128	128
3.04	Ҳозирги замон дипломатияси ва тарихи	128	128
3.05	Дипломатик протокол ва этикет	128	128
3.06	Дипломатик ва консулийк хизмати	128	128
3.07	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	135	135
3.08	Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати	128	128
3.09	Халқаро хукуқ	192	192
3.10	Асосий чет тили	1476	1803
3.11	Иккинчи чет тили	-	1225
3.12	Минтақашунослик	128	128
3.13	Конфликтология	128	128
3.14	Геосиёсат	128	128
3.15	Қиёсий сиёсий тизимлар	128	128
3.16	Халқаро ташкилотлар назарияси ва амалиёти	135	-
3.17	<i>Танлов фанлари</i>	255	-
4.00	Ихтисослик фанлари	725	908
4.01	Сиёсий технологиялар	128	128
4.02	Халқаро хавфсизлик	128	128
4.03	Халқаро ташкилотлар назарияси ва амалиёти	-	135
4.04	Халқаро муносабатларда таҳдил	128	128
4.05	Шарқ халқаро муносабатлари	128	128
4.06	Иктиносидий дипломатия	128	128
4.07	<i>Танлов фанлари</i>	85	133
5.00	Қўшимча фанлар	450	668
	Жами	7344	9288
	Малака амалиёти	756	1080
	Бити्रув иши	270	324
	Аттестация	1026	1296
	Жами	2052	2592
	ҲАММАСИ:	9396	11988

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651.1/7

Гурух Т55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

